«Халқ сўзи» мухбири.

Осмондаги одам

Хали-ҳануз ўша оқшом отушданман. Ҳали ҳануз осмондан. Ерга тушганим йўқ. Тушмаяман эмас, туширишмайман. Ким дейсизми? Уша кунги шодина ва тантаналар-да.

Кечагилек ёдимда. Мустақилликнинг 11 йиллиги тантаналарига чулганган Мустақиллик майдони мўғизлар салтанатига айлангандек эди. Майдонга одам сўғмайди. Қўлардан порлаган, ёнган қонунчилари айтмайсизми? Болақайларнинг шодон қийрақлари, байроқларнинг

хилпираниш дилимда ажиб бир ҳиссиёт ўйотди. Вужудим тўлган эди. Қўриқди. Ҳайқириб оламга жар солгим келди. Мана мен озодам. Халқим озо, эмин уркин. Эрки ўз қўлида. Ҳеч қимдан кам эмас, ортиқ бўлса ортиқдир. Бўй-баста билан дунёни лол қолдираётган!

Майдон узга таралган майин, сеҳри қуб-қўшқларда оқсоқ тоғлар, ям-яшил бозорлар ўқоқлар, оловнафас сарқолар, бағир кенг одамлар намоеи бўлди.

Куй қуйга, қўшқ қўшққа

уланди. Келбатли йиғитлар билан жилави қизларнинг рақслари ҳавасини келтирди. Узини ердан эмас, осмонда кўрдим. У ердан туриб ўзбегимнинг қамолга, жамолга термулдим. Ҳис-тўғруларим оқ қабулга айланиб, парвоз эта бошладим.

Ха, бутун авладан мустақилликка, эрки ташди қўшқимнинг баҳри дили ониниб, қалби дарёлардек тошмоқда. Халқимизнинг куч ва қудратини яратувчилик ўзига йўналтирувчи бу ерда кунларга ташақкур! ... Мен ғурур ва ифтихордан ҳамон осмонданман. Мени туширишмайпти. Ким дейсизми? Узиним-да!

Неъматнон ҲАСАНОВ,
меҳнат фаҳрийси.

Огоҳлик

Бундан роппа-роса бир йил муқаддам Америка Қўшма Штатларининг марказий шахарларида рўй берган воқеалар ҳамон кўз ўнгимизда: Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо марказининг осмонўпар икки биносига ва Вашингтондаги Пентагон қароргоҳига урилаётган самолётлар, саросима ичидаги одамлар, тугун ва чанг-тўзон қоплаган кўчалар, ўт ўчирувчиларнинг фидокорона ҳаракатлари...

11 сентябрь сабоқлари

Дунёдаги деярли барча давлатлар терроризмга қарши эълон қилинган урушда АҚШ билан ҳамфикр эканликларини изҳор қилдилар. Зеро, террористик хуруж натижасида ҳалок бўлганлар орасида 90 давлат фуқароси бор эди. Ундаб давлатлар диний экстремистик ташкилотлар фаолиятини тақиқлади, уларнинг ҳисоб рақамларини ҳаракатдан тўхтати. «Ал-Қоида» террорчилик ташкилотининг Европа ва Осиё мамлакатларидаги гуруҳлари, молиявий манбалари аниқланди, уларга қарши кескин чоралар кўрилди.

ни тинч йўл билан ҳал этишга жалб этиб келди. БМТ Бош Ассамблеясининг сессияларида бу ҳақда катор ташаббусларни илгари сўрди. Бу ташаббуслар асосида афғон муаммосини ҳал этиш бўйича «6+2» гуруҳи ташкил топди. Мазкур гуруҳнинг 1999 йили Тошкентда ўтказилган учрашувида қабул қилинган Декларацияда Афғонистондаги низоли бартараф этиш йўлини аниқ кўрсатиб берилган эди. Декларация БМТ ҳужжати сифатида барча аъзо давлатларга тарқатилди. Аммо Толибон ҳукуматлари билан тил бириктирган, мамлакат ҳудуди терроризм ўчоғига айланиб улгурган эди. Толиблар можарони тинч йўл билан бартараф этишга эмас, балки ўзларининг жоҳилона мафқурасини кўшини давлатларга ҳам ёйишга интила бошладилар. Натижа эса маълум: АҚШ самолётларини хом хабарлари чиппакача чиқарди.

килотлар мавжуд. Хорижий матбуот Покистон, Миср, Эрон, Ливан, Судан, Жапон, Саудия Арабистони, Яман, Сомали, Кашмир ва Фаластиндаги ақилапараст гуруҳлар ҳақида қўллаб маълумотларни эълон қилмоқда. Бу гуруҳлар ўз мафқурасини Европадаги мусулмонлар орасида ҳам тарқатишга уринмоқдалар. Гарчи улар ислом ҳимояси ширлари билан чиқётган бусларда, асл мақсадлари ҳокимиятга эришиш ва жоҳилона тартибларни жорий этиш. Франшида нашр этилган «Экспресс» газетасида эълон қилинган бир мақола бундай ҳаракатлар моҳиятини яхши очиб беради. Бин Лодинга мурожаат шаклида ёзилган бу мақолада шундай сатрлар бор: «Ислом олами тараққийётган ортада қолганлигида сизга ушшаган одамлар айбдор. Урта асрларда мусулмон олами насронийлардан кўра пешқадим эди. У даҳрийларга бошлана берар, бошқа динларга хайрихоҳлик билан ҳарар, илм ва санъатга раҳамомлик қилар эди. Сўнгра сизга ушшаган жаҳолат бандлари саҳнага чиқди. Улар муқаллас матиларни нотўғри талқин қилиб, исломнинг моҳиятини бузиб кўрсатдилар, ислом оламини тушундикка учратдилар...» Бу сўзларда изоҳ ҳоҳат эмас, деб уйлайман.

Узбекистон бугунги кунда терроризмга қарши курашининг олдинги сафарларида бормоқда. Мамлакатимизда 2000 йил 15 декабрда терроризмга қарши кураш тўғрисидаги қонун қабул қилинган эди. Давлатимиз раҳбарининг 1999 йили Истанбулда бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти саммитида, 2001 йил 26 сентябрда бўлиб ўтган Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида, Олий Мажлисининг

еттинчи сессиясида сўзлаган нутқларида, 2001 йил 5 октябр кунин эълон қилинган Баёнотда терроризмга қарши курашга муносабатимиз ва унда иштирокимиз аниқ ифода этилган. Биз Афғонистон ҳудудидаги терроризм қароргоҳларини бартараф этишга кўмаклашиш билан чекланиб қолмадик, балки бу кўшни давлатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишига, аҳолиси-га гуманитар юқлар ўз вақтида етказиб берилишига ҳам катта ҳисса қўшдик.

Узбекистоннинг терроризмга қарши курашдаги фаол иштироки, бу борадаги ирода ва қатъиятига дунё жамоатчилиги муносиб баҳо берди. Халқаро майдонда мамлакатимизга нисбатан ҳурмат-эътибор янада орди. Кейинги пайтда юртимизга келаётган олий рутбали хорижий давлат арбоблари билан музокаралар, Президентимизнинг АҚШ ва Японияга қилган ташрифлари бунга яққол намойиш этди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган тўққизинчи сессиясида сўзлаган нутқида хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимизнинг ҳудудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш муҳим устувор йўналишлардан бири эканлигини таъкидлаб, шундай деди: «...экстремизм ва ашаддий ақидаларнинг тарқалиши ва барқарорликнинг ҳар қандай кўринишларида, халқаро террорчилик ва нарқобизнесга қарши илтимом қилиниши йўлида барча имкониятларимизни ва куч-қудратимизни сафарбар қилиш бугунги кунда энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлмоғи лозим».

Утган йили АҚШда рўй берган воқеалар инсоният тарихининг узига хос бурилиш нуқтаси бўлди. У жаҳон аҳлини янги тақдирдан — терроризм балосидан огоҳ қилди ва уни бу офатга қарши ялпи курашга сафарбар этди. Агар илгари айрим давлатлар террорчиликка жузъий ҳодиса сифатида қараб келган буслар, эндиликда у нақадар жиддий хавф эканлигини англаб етдилар. Террорчи гуруҳлар оммавий қирғин қуролига эга бўлсалар, у инсоният бошига қандай фожиалар олиб келиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Айни пайтда, терроризмни гаг-гомири билан юзиб ташлаш, унинг молиявий манбаларини тўсиб қўйиш учун кенг миқёсли халқаро ҳамкорлик зарур эканлиги ҳам равшан бўлиб қолди. БМТ ҳомийлигида барча давлатларнинг йил-ҳаракатларини мувофиқлаштириш бу курашда кўзланган натижани бериши мумкин.

Насриддин МУҲАММАДИЕВ.



Табиий офат

Францияда юз берган тошқинлар оқибатида ҳалок бўлганлар сони 16 нафарга етди. «Die Welt»нинг маълумотига кўра, яна 18 киши бедарак йўқолган деб ҳисобланмоқда. Тошқин Рона дарёси қирғоқларида қурилган тўғони бузиб юбориши натижасида 3,5 минг аҳолига эга бўлган Арамон шаҳарчаси сув остида қолди.

Кек сақламанг

Америка олимларининг тадқиқотлари кек сақловчи кишиларнинг соғлиги яхши бўлмаслигини кўрсатган. Мичиган университети қошдаги ижтимоий тадқиқотлар институти руҳшунос Лорен Туссен раҳбарлигида

олиб борилган изланишлар кек сақламайдиган, тез кечирувчан кишилар руҳий ва жисмоний соғлом бўлишини тасдиқлаган. «НТВ.ру»нинг хабарига кўра, Туссен раҳбарлигида ўтказилган тадқиқотлар

бошқа олимлар ўтказган изланишларни тасдиқлайди. Руҳшунос Шарлотт ван Уитвлетнинг айтишича, бу тадқиқотлар инсон ҳар қандай воқеани кечирини зарур дегани эмас. Аммо, ҳар бир киши соғлигига «нутур етказувчи алам ва кек сақлашдан овоз бўлиши лозим».

Хушёрликка чақурилди

АҚШ ҳукумати аҳолини янги террорчиликлар содир этилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган. Ушбу кўпуровчиликлар ўтган йилнинг шу кунда содир этилган фожиа муносабати билан амалга оширилиши мумкин.

«НТВ.ру»нинг маълумотига кўра, ушбу ҳафта давомида барча харбий база ва элчихоналар кучли назорат остига олинади. Мамлакат департаменти фуқароларни шу кунларда айтиқса хушёр бўлишга чақирди.

Қуроли ҳужум

Непада маочи-исёчи-ларнинг полиция участкаси қилган ҳужуми оқибатида 40 нафар полициячи қурбон бўлган ва 19 нафари тан жароҳати олган. Бу ҳақда мамлакат ички ишлар вазирининг ўринбосари Девендра Раи Каделъ

маълум қилган. «Ассошейтед Пресс» агентлигининг хабарига кўра, ҳодиса мамлакат пойтахти Катманду шаҳридан 160 километр узоқликда жойлашган Бхимаан қишлоғида содир бўлган.



Темир йўл фалокати

Ҳиндистонда содир бўлган темир йўл фалокати оқибатида 150 га яқин киши ҳалок бўлган, 200 дан зиёд киши жароҳатланган. Ховра-Дехли йўналиши бўйича кетаётган поезд Рафиганж ҳудудидаги кўприк устида нзидан чиқиб кетган ва Хова дарёсига қулаган. «РИА» Новости агентлигининг маълумотига қараганда, ҳозир фожиа юз берган жойда қутқариш ишлари олиб борилмоқда.

АҲОЛИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗКЎРГАЗМАСАВДО» МАЖМУАСИДА


Шу йилнинг 13 сентябридан бошлаб

республика саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган юқори сифатли истеъмол молларининг доимий кўргазма савдоси ўз фаолиятини бошлайди.

Ушбу кўргазмага ташриф буюриб, зарур озиқ-овқат маҳсулотлари ва истеъмол молларини улгуржи ва чакана савдо орқали харид қилишингиз мумкин.

Кўргазма савдога марҳамат!

Манзил: метронинг «Беруний» бекати (собиқ «Алпомиш» спорт саройи).





Сиз уларни танийсиз

Минг эшитгандан кўра, бир кўрган афзал, дейишгани ҳақ гап экан. Бўлмаса, музейга борамиз, у ерда америкалик, франциялик, европаллик машҳур киноактёрлар Стивен Сигал, Том Круз, Жан Поль Бельмандо, Жерар Депардьё, Брюс Уиллис, Россия эстрада юлдузлари Валерий Леонтьев, Анжелика Варум ва Леонид Агутин, шунингдек, Алену билан юзма-юз келамиз, Америка Кўшма Штатлари Президентини Жорж Буш эса илтифот ила меҳмонларни қарши олади, деб ҳаёлимизга ҳам келтирмагандик.

Дарвоқе, кун кеча Ўзбекистон Давлат санъат музейи томошабинлари яна бир аjoyиб кўргазманинг очилиш маросими гувоҳи бўлишди. Гап шундаки, юртимизга учинчи бор Санкт-Петербурзнинг Марказий Мум ҳайкаллар музейи ташиф буюрди. Унинг ноёб, антиқа экспонатлари асосан турли соҳанинг дунёга машҳур кишилари. Булар орасида ёзувчилар, кино ва кўшиқ санъати намояндалари, бастакорлар, олимлар ҳам бор. Хар бир ҳайкалнинг олдига борганингизда уларнинг гўё ўз томошабинига айтадиган «гапи» бордек туюлади. Уларнинг туриши, хатти-ҳаракат ҳолатлари, кўз қарашлари ўша шахснинг феъл-атвори, табиатида келиб чиқиб шунчалар ишонарли ишланганки, беихтиёр улар томошабин билан суҳбатлашишга, сирлашишга ҳозирлик кўраётгандек туюлади. Баъзан эса кўз қарашлари билан жонли одам қиёфасига киргандек бўлиб кетади.

— Ҳамма гап уларнинг кўзларида, — дейди Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори Насиба Иброҳимова. — Бизга айтишларича, бу ҳайкалларнинг кўзлари С.Федоров номидаги кўз касалликлари Марказий клиникасида алоҳида тайёрланар экан. Пётр I асос солган музей экспонатлари дастлаб келтирилганда, улар асосан ҳаракатланувчи, табиатан турли нуқсон, камчиликлари бўлган, одам қиёфасига ёт бир кўринишдаги ҳайкаллар эди. Бу сафар бизнинг илтимосимизга кўра, ўша ҳайкалларнинг айримлари билан бирга дунёга машҳур кишилар, Гиннесснинг рекордлар китобига кирган алломадек «бирга келишди». Мазкур кўргазма орқали биз томошабинларимизни санъатнинг ана шу тури билан ҳам яқиндан таништириш ниятидамиз.

«Кўргазма қачонгача давом этади?» — деган саволимизга музей раҳбари қилиб, «Бунга ҳамшаҳарларимиз ва юртимиз меҳмонлари белгилашади. Чунки улар ташиф буюрган «меҳмонлар» билан қачон «суҳбатлашиб» бўлиши, ўшанда уларга руҳсат берамиз. Ҳамма ёшдаги томошабинларга қудай бўлсин учун улар хар кун шанба, якшанбада ҳам эрталаб соат 10.00дан кеч соат 19.00 гача бу ноидр экспонатлари келиб қўришлари мумкин. Ахир айтишди-ку ижобат меҳмондан, ихозат меҳмондан, деб...

Умид ФАЙЗИЕВА,
Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар),
«Халқ сўзи» мухбирлари.



САВОЛ БИЗДАН...
Хиндистонда нечта штат мавжуд?
136-35-60


Утган сонда берилган саволнинг жавоби:
Сиктивкар шаҳрининг қадимий номи Усть-Сисольск.



Дунё Ўзбекистонга келди

Одатда биз, журналистлар юртимиз ҳаётидаги қай бир жабҳа ҳақида сўз юритмайлик, шу соҳада мамлакатимиз жаҳонга чиқмоқда, дея сифат берамиз. Аслида бу эътирофда сира муволаға йўқ. Аммо кеча «Президент кубоги» халқаро турнирининг расмий очилиш маросимидagi ҳаяжонли лаҳзаларни томоша қилган киши мамлакатимиз нафақат жаҳонга чиқётганлиги, балки дунё ҳам Ўзбекистонга интилаётганлигини, унга қизиқётганлигини ич-ичидан ҳис қилди. Теннис саройи узра миллий мадҳиямизнинг фаришадаси навоси янграганда кўнгиллар беихтиёр фахр-иштиқорга тўлди. Бундай ҳаяжонга тўла дамларда айни тантананинг хар бир иштирокчиси чексиз гурур ҳиссини туйиши, шубҳасиз. Биз шундай сонияларда АҚШ, Франция, Германия, Испания, Финляндия, Италия, Швеция, Швеция, Голландия каби йнгирмадан ортиқ давлатлардан келган забарзаст теннисчиларнинг юз-кўзидига қувонч ва севинччи кўриб, уларнинг юрагида Ўзбекистон деган мамлакат узоқ вақт муҳрлиниб қолганига шубҳа қилмадик.

Тўғри, «Президент кубоги» бахслари эндиликка бошланди. Бироқ ушбу турнир буюк неъмат — Ватан шаънини ҳимоя қилиш майдонига айланиб кетди. Хатто уррашуларнинг гўзаллиги-ю, шиадди, кишиларни ҳайратга соладиган нафосати муҳлисларни «ким голиб чиқар экан-а?» деган савол устида бош қотиришга ундамоқда. Ха, теннис, ҳақиқатан ҳам, жозибador ўйин. Кун кеча жаҳон мамлакатларида АҚШ оқиқ биринчилиги финалида Пит Сампрас билан Андрей Агасин ўртасидаги ўйин қарийб уч соат давом этганлигини қатъи шубҳасизлик билан сифатлаш баҳоланган эди. «Президент кубоги» турнирида италиялик Давиде Сангинетти билан шведиялик Магнус Норман ўртасида бўлган уррашува ҳам худди шу «сценарий» тақдорланди. Аммо муҳлислар ва мухассислар зерикиб қолмади. Аксинча, ҳамма уларнинг беллашувини ҳаяжон билан кузатишди. Дастлабки сетда Норман 6/4 ҳисобида Сангинетти ус-



Турнир юлдузи

Узининг гўла ва бетакор ўйналари билан мухассисларнинг севила спортчиюса айланган Евгений Кафельников жаҳоннинг 3-рақамли теннисчиси ҳисобланади. Халқаро турнирларда эришган натижалари ҳам мунга яраша. Шу мавсумнинг ўзида у Дюсселдорфдаги турнир финалиси, Марселида халқаро мусобақа ярим финали, Индиан Уэлс, Дубай, Доҳодаги турнирларини эса чорак финали беллашуларига муваффақиятли етиб борди. 2001 йида Марсель, Москва, 2000 йида Москва ва Сиднейдаги Олимпиада, 1999 йида Австралия Оқиқ чемпиони, Роттердам, Москвада бўлиб ўтган улаб халқаро турнирларини голиб. Охири саккиз йил давомида олти бор мавсумни жаҳон теннис тасифининг кучли ўнликдан жой олаш ҳолида яқунлади. Биласиз, бундай ҳайратомуз муваффақиятлар хар қандай номдор теннисчиюса ҳам насиб қилмаган. У ана шундай зафарни юрши билан «Президент кубоги» турнирига ташиф буюрди.

дуқсиз қатнашиб келаятган ҳамюртимиз Олег Огородов белоруслик рақиб Владимир Волчковга қарши ўйнади. Табиийки, ана шу баҳс биз ўзбекистонликлар учун энг муҳими эди. Маълумки, ҳамюртимиз Огородов тасниф бўйича жаҳонда 135 ўрнида бормоқда. Уни рақиб Волчковнинг бор борадаги жойи 141-қаторда. Шундай бўлса-да, Владимир маҳорат ва ажирлик бобида Оледган қолшмаслигини курсатиб, учрашув тақдирини икки сетдаёқ ҳал қилиб қўя қолди: 6/2, 6/2.

Очиғи, Огородов — Волчков ўйинини кўриб, қорда гапгабани нафақат руҳий дадиллик, балки жисмоний тайёрларлик ҳам таъини тиниша тақдор ишонч ҳосил қилдик. Учрашува шундай вазиятлар ҳам бўлидик, Владимир бир йўла тўрт-беш зарбаси билан қаторлаштириб очкиларини йиғди. Олед эса асабийлашадиган нарига ўтолмади. Шундай қилиб, ушбу мағлубиятдан сўнг «Президент кубоги» мусобақасининг қордаги бахсларида ҳамюртларимиздан фақат Вадим Кузнецовгина қолди, холос. У дунё теннис таснифиди узидан 35 поғона юқори турган исроиллик Ноам Огуз билан учрашавди. Тўғри, таъжирба борасида Ноам Вадимдан бироз устунроқдир. Лекин биз ҳамюртимизни теннис тўпини хар қандай мақсаддан туриб бемалол кўзлаган нуқасига тушира олишини, унинг натижаисдан қатъи назар, ақл йордасига таяниб иш қуришини яхши биламиз. Шу маънода, унга катта умид боғлаш мумкин.

Шу кун корта тушган германиялик машҳур теннисчи, «Президент кубоги» соҳибни Николай Кифер машғулотларда жароҳат олганлиги учун даъвийлик Кенет Карреси билан учрашувини давом эттирмай ўйинни тарк этган бўлса, хорватиялик таниқли спортчи И. Любичич голландиялик М. Веркер устидан гапгаб қозонди: 6/4, 6/1. Турнирнинг яна бир қизиқарли ўйини исроиллик Харел Леви ва россиялик Николай Давиденко ўртасида бўлди. Афсуски, Николай ҳамюртлари Сафин, Кафельников, Стояров каби голиблар сафидан жой ололмади.

Кеча оқшомда бўлиб ўтган ўйинларда эса «Президент кубоги» турнирининг энг сара ва энг номдор қолдузлари қорда тушиб, барига шаксиз бағишлашди. Унда германиялик Томми Хаас — Марк Поссе (Швейцария), Марат Сафин франциялик Г. Карраз, Евгений Кафельников германиялик Александр Васек, Михаил Ожунный (Россия) — Ф. Лопес (Испания), машҳур Райнер Шуттлер эса даъвийлик Кристиан Плесс билан орани «очиқ» қилдилар.

Фурқат САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Миллий ғоя — бизнинг ғоя

Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши Байналмилал маданият маркази ва Сирадар виллоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» мавзусидаги навбатдаги семинарни Гулистон шаҳрида ўтказди. Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, иқтисодий-ижтимоий ишлохотларнинг жадал боришида юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг, миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг ҳам муҳим ўрни борлиги ҳақида гапирдилар. Мамлакатимизда бугунга келиб 136 миллат вакиллари ахил ва тотув яшаб, бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этишмоқда.

Эндиги вазифа — ана шу ҳамжиҳатликни асраб-авайлаш. Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги сайҳаракатларимиз янада кучайтириш эканлиги таъкидланди. Ўзбекистондаги миллатлараро тотувлик гоёси мамлакатимиз тараққиётини белгилайди, биздаги тинчлик ва барқарорликнинг қафолати бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, дунё кенг, мамлакатлар ҳам кўп. Лекин Ўзбекистон битта, Ватан — ягона. Шу азиз Ватан барчамизники экан, унинг истиқлолини мустақамлаш, истиқболини таъминлаш барчамизнинг фуқаролик ва ватанпарварлик бурчимиздир. Анжуман иштирокчиларининг яқил фикри ана шундан иборат бўлди.

Беруниёда берунийхонлик

Мухаммад Ибн Аҳмад Абу Райхон ал-Беруний ҳазратлари наники мустақил мамлакатимиз, балки бутун Турон заминининг ифтихори, алломалар алломаси, мутафаккирлар мутафаккиридир. Уз замонасидаёқ Шарқу Фароада эътибори эътироф топпан улуг олим мероси бутунга аборот ва кибарнетика, космос асрига хизмат қилмоқда. Истиқлол бошқа улуг аждоқларимиз сирасида Абу Райхон Беруний меросига бўлган муносабатни тубдан узарттирди. Қорақалпоғистон Республикасининг аллома киндик қони томган, унинг номи билан юритиладиган туманида ҳам бу борада хайрли ишлар қилинмоқда. Буюм олимнинг ҳоки Афғонистоннинг Фазна шаҳридан келтирилиб, ўз тупроғида ором топи. Уша жой — Қадимги Хоразм давлатининг пойтахти бўлган Кат шаҳри қолдиқлари ёнида Беруний музей-мажмуаси барпо этилмоқда. Мухтарам Президентимиз шу йил 2 май кунини Нукусада бўлганида Беруний ҳазратларининг тобора яқинлашадиган 1030 йиллигини мамлакатимиз ва ундан ташқарида кенг нишонлаш зарурлигини алоҳида ўқитди. Кун кеча аллома элида анъанавий берунийхонлик кўнлари бўлиб ўтди. Унда иштирок этган фан фаюйиллари, жамоатчилик вакиллари аллома қабри ва ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилар, мутафаккирнинг ўлмас мероси тўғрисида маърузалар ўқилди. Хар бир меҳнат жамоаси, хар бир корхона, мактаб, маҳалла Беруний шаҳри ҳақида туманини обод қилиш, гулзор ва болгарга айлантириш бўйича режа ишлаб чиқди.

Боболардан сўз кетса...

— Бобоклонимиз музей-мажмуаси билан бирга ислом оламида табарқур саналган саҳобалардан бири бўлиши ҳазрат Султон Убайи эътирофтоҳид ҳам хайрли бир қурилишни бошладик, — дейди Беруний тумани ҳокими Алланазар Жуманиёв. — Насиб этса у эр Имом Бухорий ҳазратлари эътираттоҳи каби кўркам жойга айланади. Беруний бобимизнинг 1030 йиллигига таъйиридакида иштирок этиш биз учун фардир.

Янгибой ҚҲҚҚОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маданият хабарлари

Нафис санъат кўргазмаси
Самарқанд давлат чет тиллар институтида нафис санъат кўргазмаси ташкил этилди. Унда Р. Темиров, О. Алиева, Н. Калонов, Э. Қаҳҳоров сингари самарқандлик бир неча мўйқалам усталари ва ҳайкалтарошларнинг энг сара асарлари намойиш этилмоқда. — Янги ўқув йилининг илк ҳафтасида ана шундай кўргазма ташкил этиш одад тусига кирган, — дейди институт ректори, профессор Ю. Абдуллаев. — Мақсадимиз — ёшларимиз гўзаллик билан ошно бўлсинлар. Гузалликка ошно қалбларда эса фақат эзгулик қурақ ёзади.

АҚШ га Бормоқчимиз, марҳамат!

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси 2003-2004 академик йилларида АҚШ ҳукуматининг таълим дастурлари учун грантлари эълон қилди. Унга кўра 200 нафардан зиёд Ўзбекистон фуқаросига АҚШда таълим олиш имкони тугилмоқда. Таълим дастурлари ундан ортиқ турдаги грантларни тақдим этади. Малакаси бўлган, инглиз тилини биладиган ва АҚШда ўқишга тайёрларлик кўрган шахслар, олдиги талабалардан тортиб профессор-ўқитувчиларгача ушбу танловда иштирок этишлари ва грант соҳиблари сифатида океан орти мамлакатида ўқишлари, малака оширишлари мумкин. Барча дастурларни АҚШ ҳукумати маблаг билан таъминлайди.

«ГОНЧЕ» ЁғИ СОВРИНЛАРИ ЎЙИНИ

«SADAF-SADAF» хусусий фирмаси ва «A.B.Co.LTD» фирмаси
2002 йил 13 сентябрь кунини соат 15.00да Тошкент шаҳридаги Музикали комедия (оперетта) театри биносида совринлар ўйинини ўтказишди.
Манзил: Чулпон ота кўчаси, «Ц» даҳаси, метронинг «Мирзо Улугбек» бекети.
Ўйин топирилган жетонларга берилган қитанциялар рақамлари бўйича ўтказилди, қитанция эгалари ўйинда қатнашишлари шарт эмас. Қитанция эгаларининг ўйинда иштирок этиш учун келиб-кейтиш билан боғлиқ бўлган харажатларини компания ўз зимиюсига олмайд.

КОНДИЦИОНЕРЛАР SAMSUNG DIGITAL everyone's invited.

BIO TECH Plus

Кафолат - 3 йил
50-8837, 50-0419, 186-0771.
E-mail: sergey@sinta.prv.uz

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетини жамоаси «Психология» кафедраси мудир Зирот Еқубовага отаси Юсуф ЕҚУБОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети жамоаси пайвандалаш технологияси ва жиҳозлари кафедраси доценти АБДУЖАББОР АБДУРАҲИМОВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Молия институтини жамоаси магистратура бўлими декани Шоқобил Шоёқубовага волидаи мухтарамаси Турсунул ЯЗОҚИРЖОНОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институтини ректорлиги ва клиникаси раҳбарияти институтининг собиқ бош ҳисобчиси Қурбон НАЛИБАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Оқолтин иқтисодиёт ва бизнес коллежи жамоаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети доценти Галина Раҳматуллаевага отаси АНА РАҲМАТУЛЛАЕВНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик билдилади.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Тахир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРХОДИЙ,
И. ХУДОЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўбсий ҳаёт — 133-57-34;
133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 777, 27606 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахрират компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Қ. ЭШМАТОВ. Навбатчи — С. ДОНИЕВОВ. Мусаҳҳих — Ш. МАШРАББОВОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топириш вақти — 21.00. Топиришди — 23.20
1 2 3 4 5 6